

“Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “Андижон АЙБИД” ХК ўртасида лойиҳа-смета ишларини бажариш учун тузилган

ШАРТНОМА № 73

Андижон шаҳри.

“11” май 2022 йил.

“Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг харид комиссиясининг 2022-йил 06-май кунги №-78021-сонли йиғилиш баённомасига асосан, кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юриштирилган “Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Ш.Турдукулов бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Бажарувчи**” деб юриштирилган “Андижон АЙБИД” ХК Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари П.Умаров иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Буюртмачи**” ушбу шартнома шарҳларига мувофиқ **Андижон тумани Салдагати МФЙ** Топ қўчасини лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб-чиқириш ишларини топширади, “**Бажарувчи**” бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Бажарувчи**”га бажарилган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташиқлот нормативлари асосида тузилган лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 4 690 000 (Турт миллион олти юз туксон минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, маъзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштириладиган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ “Автомобиль йўллари ривожлантириш АНДЖОН ХУДУДИЙ МАҚСАДЛИ ЖАМГАРМАСИ”дан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунинда “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% аванс тарикасида келишилган сума “**Бажарувчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблагнинг қолган қисми “Автомобиль йўллари ривожлантириш АНДЖОН ХУДУДИЙ МАҚСАДЛИ ЖАМГАРМАСИ”дан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушганидан сўнг, “**Бажарувчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунинда ўтказиб беради.

2.4. “**Бажарувчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар белгиланган муддатда “**Буюртмачи**”га топширилиши шарт ҳисобланади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Бажарувчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада йлова қилинадиган бажариладиган ишлар жадалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришди ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 2-илоҳасида кўрсатилган жадал асосида ишларни ўз муддатда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га лойиҳа-смета хужжатларини мувофиқ топширади. “**Бажарувчи**” томонидан “**Буюртмачи**”га лойиҳа-смета хужжатларини топширилишига ўзаро тузилган далолатнома ва ҳисоб-варақ асос бўлади.

3.3. “**Бажарувчи**” мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда лойиҳа-смета хужжатларини топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдига тўлиқ мулкий жавоб беради. “**Бажарувчи**” олдига ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Бажарувчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Бажарувчи**” геология нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўсларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геология ишларида хатолар аниқланса, “**Бажарувчи**” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. “**Бажарувчи**” шартномада буйича ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бажарилган лойиҳа-смета хужжатларига таянган ҳолда “**Пудратчи**” зарар кўрса ўз ҳисобидан қайтадан бажаради ҳамда пудратчининг зарарини тўлаб беради.

“**Бажарувчи**”нинг хуқуқлари:

3.6. Бажариб бериладиган иш учун олинмаган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширигандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиши.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосида раҳбар этилиши натижасида етказилган зарарни қоплатишни талаб қилиши.

“**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари:

3.7. Тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатлари асосида бажарилган ишларни тартиб талабларни даражасида қабул қилиб олиш.

3.8. Бажариладиган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширигандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб-китоб қилиши.

“**Буюртмачи**”нинг хуқуқлари:

3.9. “**Бажарувчи**”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиши.

3.10. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғрилиши харажатларини қоплатишни талаб қилиши.

3.11. “**Бажарувчи**”дан шартномада кўрсатилган ишларини сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиши.

3.12. Агар “**Бажарувчи**” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектнинг “**Буюртмачи**”га топширмаган тақдирда, “**Буюртмачи**” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайд.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “**Бажарувчи**” ишларни ўз вақтида топширмаганлиги учун “**Буюртмачи**”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,3% миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%дан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “**Бажарувчи**” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, “**Буюртмачи**” тўловларини тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш хуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “**Буюртмачи**” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий баёани тўғрисида”ги Қонумининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КҮЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳолисалари ва бошқа еттиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2. “**Бажарувчи**”нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур

товарларнинг бозорда йўқлиги, “пудратчи”да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига қирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ҲАЗАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг Ҳазро келишувига мувофиқ Ҳазрртирилиши ва бекор қилиниши мумкин.
- 6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” Ҳазро келишув асосида шартномага Ҳазрртириш қиритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.
- 6.3. Мазкур шартнома буюнча юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар Ҳазро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда Ҳазро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Газначилик тизимидан (Ҳазбо дастури) руйхатдан Ҳутан кундан кучга қиради.
- 7.2. Томонларнинг келишувига қўра ишларнинг топирилиш муддати аванс олинган кундан бошлаб 7 (етти) иш куни ташқил этади.
- 7.3. Ишларни бажариш буюнча маблағ “Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон худудий мақсади жағрмаси” томонидан “Буюртмачи”нинг махсус хисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қалар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта қўриб чиқилади.
- 7.4. Шартнома 2 нухада тузилиб, иккала нухаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“Буюртмачи”

Андижон минтақавий йўллари буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси
Андижон ш. А. Йўлдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс: (99874) 227-66-36, 226-88-90
ш/к: 304521860032037045129118007
СТПР: 304917491 ОКОНХ: 42110
Ҳазна х/в 23402000300100001010
Банк номи: МБББ ХККМ МФО-00014
Газначилик булинмаси СТИР: 201122919

“Бажарувчи”

“Андижон АйБил” ХК
Андижон шаҳар, Фитрат кўчаси 4-уй.
тел:
Саноат қурилиш банк Бунёдкор филиали
х/р: 20208000204720066001
МФО: 00076 ИНН: 300883437

Директор:  Н. Турдақулов

Раҳбар:  П. Умаров



Билг оғрикелорисул:  З. Жаборқулов